

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

• **Ахборот**

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Урганчда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Хоразм вилояти республикаимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг буюк келажагини бунёд этишда хоразмлик меҳнаткашлар ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда вилоятда қўлаб ижтимоий-иқтисодий объектлар, йирик корхоналар ишга тушди, талайгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бироқ охири вақтда вилоятда кадрларни танлашда таниш-билишчилик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, ўзибуларчилик, бюджет маблағларини гаيرқонуний сарфлаш ҳолатлари содир бўлди. Баъзи раҳбарлар ўз масъулиятини тўлиқ англамагани, замон талаблари асосида иш юрйтиётгани боис корхоналарнинг дебитор-кредитор қарзлари қўлайди.

Президент Ислам Каримов кайд этганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга жараёни вилоятда суҳт бормоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, маданий-маърифий, тиббий муассасалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш борасида халқ муаммолар мавжуд.

Давлатимиз раҳбари вилоятда юзга келган камчиликларни бартараф этиш учун бошқарув идораларига ёшларни кенг жалб этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, барча соҳаларда мулк масаласини ҳал этиш, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. И.Юсупов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислам Каримов тавсиясига биноан депутатлар Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳужалиги вазири вазифасида ишлаб келган Ислам Бобожоновни Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.



Давом этар дилларда Наврўз.

• **Ҳайъат қарори узидан**

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 27 феврал кунини бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида прокуратура идораларининг ўтган йилги иш якунлари ва қонун устиворлигини, фуқароларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган вазифалари муҳокама этилган эди. Биз ана шу муносабат билан Сурхондарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Ш.ШУКУРОВ билан суҳбатлашдик.

- **Шавкат Қаҳҳорович, мазкур ҳайъат йиғилиши сизда қандай таассурот қолдирди?**

- Унда прокуратура идоралари фаолияти ошқор ва чуқур таҳлил этилди. Йўл қўйилган хато-камчиликлар рўй-рост айтилди. Жумладан, бизнинг вилоятимиз прокуратураси идоралари жамоаси ишида мавжуд нуқсонлар ҳам қайд этиб ўтилди. Биз билдирилган танқидий фикрларни асосли деб ҳисоблаймиз ва тўғри қабул қиломиз.

- **Мажлисида қандай масалалар устувор йўналиш сифатида белгиланди?**

- Аслида бу масалага Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йил якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислохотларни-янада чуқурлаштиришга бағишланган мажлисидаги маърузасида ойдинлик киритилган эди. Олти устувор йўналиш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Дебитор ва кредитор қарзларини кемайтириш, солиқ тўловларини тўғри ташкил этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, иқтисодий жиноятларни бартараф этиш бораси-

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

даги прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш шулар сирасидандир.

- **Инди ана шу борадаги фаолиятларингиз ҳуусида кенгроқ тўхталиб ўтсангиз.**

- Муддати ўтган дебитор ва кредитор қарзларга барҳам бериш тўғрисида кўндан бўён гапириб келинаётим. Бу ҳақда ҳатто Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси Қарори

чиққан. Албатта, вилоятимиз прокуратураси ҳам бу йўналишда муайян ишларни амалга оширмоқда. Бир неча жиноят ишлари қўзғатилган. Бир-иккита мисол ҳам келтиришим мумкин. Узун туман электр тармоқлари корхонаси бошлиги Бўри Самадов ва бош ҳисобчиси Нурия Гариева 23 миллион 612

(Давоми 2-бетда).

ҲАФТАНОМА



Ўзбекистон халқи муқаддас Ислам динининг улуг байрамларидан бири - Қурбон ҳайитини кенг нишонлади.

Адлия вазирлигида хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Тинчлик ва болалар ҳуқуқлари» республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ўтган яқшанбада Москвада АҚШ элчихонаси ўққа тутилди. Номалум шахслар томонидан амалга оширилган жиноят сабаблари ўрганилиб, жиноятчилар қидирилмоқда.

НАТО ҳарбий кучлари Югославияга қарши ҳаво ҳужуми уюштирилди. Хориж матбуоти хабарига кўра, НАТО самолётлари Черногориянинг музейи Цетиньега қассетали бомба ёғдирган. Югославия ташқи ишлар вазири Живадин Йованович ўзининг тележурналистларга берган интервьюсида бунинг оқибатида нафақат ҳарбий хизматчилар, балки тинч аҳоли ўртасида ҳам қурбонлар борлигини тасдиқлаган.

УШБУ СОНДА

«МИЛИЦИЯ» МУНДИРИДАГИ ҚОТИЛ

СОБИҚ МИЛИЦИОНЕРНИНГ УЗОҚ ВАҚТ ДАВОМ ЭТГАН ТАЛОНЧИЛИКЛАРИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

«ЭЛГА ҚИЛСА БИР ЖАФО...»

ИНСОН НЕГА ЎЗИНИНГ ЯРАТГУВЧИСИ БУЮРГАН АММЛАРНИ ҚИЛИШДАН БОШ ТОРТАДИ?

«МЕНИ КЕЧИРИНГ, ОДАМЛАР»

АСРАБ ОЛГАН ҚИЗИГА ЖАБРУ СИТАМ ЎТКАЗГАН ОНАНИНГ ТАҚДИРИ

3-6.

4-5-6.

7-6.

• **Хукм ўқилди**

Ҳаёт ишдан бўшатишга, бирон-бир касб эгалигидан тутишни ҳаёлига ҳам келтирмиди. Ким билсин, таъмагирик унинг учун одатий ҳолга айланган қолганмикин, юлғичликни ташлаб демасди. Эгнига милиция формасини кийиб ВА3-2109 русумли «Жигули» автомашинасида кўчага чиқиб кетар, сабаб-сабаб фуқароларни тўхташиб, ўзича уларнинг ҳужжатларини «текшириб» кўрар, турли баҳоналар билан «ИИБга олиб бориш керак, сизни ушлаб туришга тўри келади», дея таъмагирик қилиб, улардан пул олгач, қўйиб юборверарди. Бундай пайтларда унинг ёнида ўртоғи Х.Шарипов бирага юриб, унга ёрдам бериб тургани эъзига Ҳаётдан ҳаргал 400-500 сўмдан олиб турган.

1997 йил 2 декабр куни Ҳаёт яна гаразли мақсадни кўзлаб эгнига милиция формасини кийди. Машинада ўртоғи Х.Шарипов ишлайдиган 40-ўрта мактабнинг қоровулхонасига келади. Икки ўртак анча вақтгача валақлашиб ўтиришади. Сўнг Ҳаётнинг «дарди» тутиб, Х.Шариповни машинасига ўтказиб, Сиеб туманидаги «Улғубек» обсерваторияси томон йўл олишади. Улар «Ўз-нефтьга» қорхонасига қарашли ишчилар таъминоти ёнидаги бекаат олдида турганларида Тошкент-Бухоро йўналишида қатновчи «Икарус» автобуси келиб тўхтади ва йўловчилар тушо бошлайди. Фурсаддан фойдаланган Ҳаёт автобусга чиқиб, йўловчиларнинг ҳужжатлари ва юқларини текшира бошлайди. У ўриндиқлардан бирида дипломат ушлаб турган хорижлик Абдул Мухаммаднинг кўрғач, унинг ёнига келиб, дабдурустдан «дипломат ичидаги қорадорини қаёққа олиб кетаясан?» деб сўрайди. Бунга жавобан Абдул Мухаммад Бухоро шахрига бораётганлигини, тижоратчи эканлигини, дипломатда ҳеч қандай гиёванд модда йўқлигини тушутиради. Ҳаёт эса тижоратчининг автобусдан тушишини талаб қилади, Абдул Мухаммад паस्ता тушиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни «милиционерга кўрсатиш учун дипломатни очади. Унинг ичидаги тахлам-тахлам пулларга кўзи тушган Ҳаёт, қандай бўлмасин уларни олиб қўйишни ўйлайди. Мухаммаднинг ҳужжатларини кўздан кечирган киши бўлади-да, «милиция бўлимига бориши шортлигини» айтади. Тижоратчини маши-

насига ўтказгач, «Икарус» ҳайдовчилорига «Сизлар кетевринлар, бу йигитни милиция бўлимида текшириб, кейин ўзиниз кузатиб юборамиз», дейди.

Шундан сўнг Х.Атоев билан Х.Шарипов 40-мактабнинг қоровулхонасига тижоратчини олиб келишади. Бу вақтда соат 23.30 лар бўлиб қолган. Тижоратчи «милиция» бўлимига эмас, бошқа жойга келтиришганини сезиб,

кетишади. Иккаласи тожик тилида сўхбатлашганлари учун Х.Шарипов улар ўртасида нима хусусда гап борганлигини тушунмайди.

Ҳаёт машина рулини автостанция томон эмас, одаллар кўздан йироқ, хилватроқ жойлар томон буроди. Чор-атрофини қоронғулик қоплагани учун дастлаб Абдул Мухаммад қаёққа кетаётганликларини била олмайди. Сўнг «милиционер» яна қаёққадир алдаб олиб кетаётганлигини тушуниб, машинани тўхтайтишни, орқага қайтишни талаб қилади. Бу вақтда эса Ҳаёт

Мансабини, ўзига берилган қонуний ваколатларни суиистеъмол қилиб, улардан шахсий манфаати, гаразли мақсадлари йўлида фойдаланувчилар ҳар соҳада бўлганидек, ички ишлар идоралари ходимлари орасида ҳам учраб туради. Ана шундайлардан бири Ҳаёт Атоев эди. У қасбини, хизмат вазифасини бойлик тўплаш манбаига айлантирганди. Аммо, ички ишлар идоралари сафини милиция шаънига доғ тушираётган, бурчига хиёнат қилаётган ходимлардан тозалаш тadbирлари бошлангач, айрим юлғичлар қатори Х.Атоев ҳам тизимдан бутунлай четлатилди.

қаёққадир алдаб олиб кетаётганлигини тушуниб, машинани тўхтайтишни, орқага қайтишни талаб қилади. Бу вақтда эса Ҳаёт

Рустам МАТЧОНОВ 1954 йилда туғилган. 1976 йил ТошДУ юридик факультетини битирган. Иш фаолияти Тошкент шаҳар Яққасарой тумани прокуратурасида стажер-терговчиликдан бошлаган. Адлия қишқ маслаҳатчиси. Юридик фаилари номзоди. Айни вақтда Республика прокуратурасининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармасида капта прокурор вазифасида фаолият кўрсатмоқда.



«МИЛИЦИЯ»

МУНДИРИДАГИ ҚОТИЛ

эътироз билдира бошлайди. Ҳаёт эса Абдул Мухаммадга қарата ўшқириб, дипломат ичидаги, чўнтагидаги борча нарсаларни стол устига тўкишни буюради. Тижоратчига тегишли буюмлар ичидан гиёванд модда топилмади. Ҳаётнинг фикри-зикри эса стол устида ҳозиргина пайдо бўлган пуллар хирмонига эгалик қилиш эди. У тижоратчини алдаб ёки чўчйтиш йўли билан пулларни олиб қўйиш мумкин эмаслигини тушуниб етади. Фақат битта йўл бор: уни «тинчйтиш» керак! Ҳаётлида қабих ниятини амалга ошириш учун режа тўзади. Сўнг Абдул Мухаммадга «Ҳужжатларингиз жойида экан. Энди сизни Бухорога кетаётган автобуслардан бирига чиқазиб қўяман», дея қоровулхонадан чиқиб

мўлжаллаган жойга яқинлашиб қолган. Машинани тўхташиб тижоратчига тушишини буюради. Абдул Мухаммад машинадан тушади. Лекин, шу оннинг ўзида унинг бўйнига пичоқ санчилади. Кейн, кўкрагига...

Ҳаёт эса жуда совуққонлик билан чола жон бўлиб ётган тижоратчининг чарм кўрткасини ечиб олади, унинг чўнтақларини пайпаслаб кўради. Сўнг «Жигули»нинг ҳужжати, воқеа жойидан қочади.

Тўн яримдан оққонда амакиси Тўлқин Атоевнинг эшигини қоқади. Бемаҳалда Ҳаётнинг ташриф буюригидан ажобланиб, уй эгаси эшикни очиб билан Ҳаёт ўзини ичкарига урди. У амакиси «бир кишини ушлагандик, шунга қўйиб келмоқчи эдим,

подвални светини ёқиб бер» дейди. Ер тўлага дипломатни кўйгач, яна шошиб чиқиб кетади. Тўн саҳарда келиб дипломат ичидаги 50, 100 сўмлик пулларни Тўлқин билан санаб чиқади ва 300.000 сўм экан, дея целлофан пакетга солиб олиб кетади. Уша кунни пуллардан 190 минг сўмини 1000 АҚШ долларига алмаштиради.

Кўп ўтмай «Зарафшон-Самарқанд» темир йўли ёқасидан эркак кишининг жасади топилганлиги ҳоқида миш-миш тарқалади. Мазкур факт юзасидан жиноят иши кўзгатилади. Олиб борилган тезкор-тергов ҳаракатлари натижасида киско вақт ичида тижоратчининг қотили - «милиция» мундиридаги қотил Ҳаёт Атоев қўлга олинади.

Ҳ.Атоевнинг жинойи ҳаракат-

лари, ашъвий далиллар, гувоҳларнинг кўргазмалари ва бошқа исботлар билан тўла-тўқис фош қилинди. Жумладан, судланувчининг онаси Х.Атоеванинг уйи тинтув қилинганда 1000 АҚШ доллари топилиди. Унинг амакисининг уйдан топилган пичоқдаги қон доғлари эса Абдул Мухаммаднинг қон гуруҳига тўғри келиши суд-тиббий экспертизасида аниқланди. Шунингдек, марҳумга тегишли дипломат, йиртилган паспорт бўлақлари тинтув даврида далилий ашё сифатида олинди.

Самарқанд вилоят суди ҳукми билан ошаддий жиноятчи Х.Атоев олий жазога ҳукм қилинди. Унинг ҳамтовоғи Х.Шарипов эса 18 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Рустам МАТЧОНОВ.

• **Гап эгасини топади**

«ГУЗАРГА БОРСАНГ ЭТИК КИЙИБ ОЛ»,

Бунинг сабаби шуки, туман марказидаги ер ости сувларини сўриб олувчи 20 та дренаж қудуқнинг асосий қисми ишдан чиққан. Натижада ёмғир ёққондан сўнг кўчаларда, ҳовлиларда, кўп қаватли уйлар атрофида сув тўпланиб, у хафталаб туриб қолапти. Худди шундай ҳолат «Наврўз» маҳалла гузариди ҳам содир бўлапти. Натижада гузарга ёки шу гузар ҳудудида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинига иш билан келган фуқаролар сувни кечиб ўтолмасдан ноилож қайтиб кетишга мажбур бўлишмоқда. Хафталаб туриб қолаётган кўлмак сувдан бадбўй хид чиқаётганига нима дейсиз? Бундай нохуш ҳолга маҳала фуқаролар йиғини раҳбарларининг ҳам, туман коммунал хизмат кўрсатиш бўлими мутасаддиларининг ҳам, қаловерса, санитария-эпидемиология маркази ходимларининг

дейишмоқда Жиззах вилояти Дўстлик тумани марказидаги «Наврўз» маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли.

ҳам лоқайд ва бепарво муносабатда бўлишяётгани кишини таажублантиради.

Қаровсиз қолди

Бир пайтлари Дўстлик туманига қарашли Мамажон Дадажонов намли ҳўжалик марказидаги мухташам маданият саройини кўрган кишининг ҳаваси келарди. Бу ерда деярли ҳар кунги ҳўжалик аҳолиси учун оммовий тadbирлар ўтказиш аънана тўсини олганди.

Афсуски, бугунги кунга келиб маъмур маданият саройи таниб бўлмас даражага тушиб қолди. Йиллар давомида қаровсиз қолганлиги сабабли томидан чакка ўтиб, деворлари тўқилай деб турибди. Эшик-деразалари синган,

ичидаги замонавий жиҳозлар талон-тарож бўлиб кетган. Айни пайтда бу ерда бирон-бир тadbир ўтказишнинг ўзи қийин. Чунки, сарой ташландик жойга айланган.

Раҳбарларнинг эса парвосига ҳам келгани йўқ. Акс ҳолда дуппа-дуруст саройини шу ҳолга туширгунча томошабин сифатида қараб турмасдан, уни чинаком маънавият ва моданият мактабига айлантириш имконини аллақачон топган бўлишарди.

Кўйнилари пуч ёнғоққа тўла

Тумандаги «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 1140 оила ёки 5300 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳамма хондонлар газлаштирилган. Лекин айни куз ва кий мавсумида газ

босими шу даражада қамайиб кетадики, уйни иситиш ёки овқат пишириш туғул эртдан кечгача бир чойнак сувни ҳам қайнатиб бўлмай қолади.

Қишлоқ оқсоқоллари, фаолларнинг арз қилиб, ёрдам сўраб бормаган жойлари қолмаган бўлса керак. Ҳар сафар қулоқлари қуюқ ваъдаларни эшитиб, қўйнилари пуч ёнғоққа тўлиб қайтишади. Аҳвол эса 3-4 йилдан бери ўша-ўша.

Муаммони ҳар ким ўзича ҳал қилишга ўтган. Кўпчилик уйларига печка ўрнатиб, газ ўрнига ўтин ёқишяпти. Натижада қишлоқ ҳудудида ва теварак-атрофдаги дов-дароҳларга аёвсиз болта уриш оммавий туш олган. Табиатга бўлган бундай муносабатнинг нима билан туғошини ўйлаб бош қашиб қолади киши. Ахир бир туп ниҳол экиб, уни кўкартиришнинг ўзи бўлмайди-ку.

Наҳотки, қишлоқдаги хондонларга уланган газ босимини кўтариш шу қодар мушкул бўлса?

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
Дўстлик тумани «Дўстлик ҳаёти» газетаси муҳаррири.

• Муносабат

16 феврал куни Тошкентда содир этилган хунрезлик жафокаш элим юрагига наштар бўлиб санчилди. Уз йи, орзу-умидлари билан куйиманиб юрган ўндан ортик юртдошларимиз беғуноҳдан беғуноҳ қурбон бўлдилар. Уша куни тушдан кейин ўтказилган ҳукумат йиғилишида ҳурматли Президентимиз, катта-катта олиму уламолар, ёзувчилар ва шоирлар куйиб-ёниб содир этилган воқеаларга ўз муносабатларини билдирдилар. Телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали турли кўрсатувлар, эшиттиришлар ва ахборотлар омма эътиборига ҳавола этилди. Чет элларнинг оммавий ахборот воситаларида ҳам Тошкентда юз берган воқеалар хусусида турли фикрлар билдирилди.

Мен ҳам заҳматқаш бир фуқаро сифатида кўрсатувларни кўришга, эшиттиришларни эшитишга, мақолаларни ўқиб боришга ҳаракат қилдим. Телевизорда ёш-ёш ўзбек йиғитларининг суратлари кўрсатилиб, 16 феврал воқеаларини содир этишда гумон қилинаётганликлари эълон қилинганда эса ўз ўзимга ўзим куйиб, ўз ёнимга ўзим қовирдим. Зеро, агар шу гаплар тўғри бўлиб чиқса, демек, уларнинг қўлидан элга жафо этилди. Буюк шоиримиз, ҳазрат Навоий ушбу мисраларини бежиз битмаган:

«Юз жафо қилса менга бир қатла фарёд айламан,

Элга қилса бир жафо минг қатла фарёд айларам».

Элга қилинган жафодан улканроқ гуноҳи азим йўқдир. Кўринишдан тўппа-тўзук йиғитлар қандай қилиб бу йўлга кириб қолдилар? Қандай қилиб бу қонли ишга қўл уришга ботиндилар? Тасаввур қилиш қийин, зеро Аллоҳ йўлида қилинган ишдан ёки умуман яхши ниятда қилинган ҳар бир ишдан одамларга фойда, манфаат келиши керак. 16 феврал воқеалари эса одамларга, энг ачинарлиси шундаки, ҳеч нарсадан хабари бўлмаган, болам-чакам деб куйиманиб юрган беғуноҳ одамларга битмас-туганмас ғам-алам, изтироб, кўз ёш келтирди. Уша куни бева қолган неча санамларнинг болишлари уйқусиз тушларда кўзёшдан нам бўлди. Уша куни етим қолган

гўдоқлар вояга етгунга қадар кўча-қўйда ясашиб, ота-онаси билан сайр қилиб юрган болаларни кўрганда ич-ичдан эзилиб, отам тирик бўлганда биз ҳам шундай юрардик, деб ўртанадиган бўлди.

Бу қонли ишга қўл урганлар ўзларига нимани дастурилама қилиб олдилар экан? Ахир Ислолда, Аллоҳ таолонинг Қуръони каримида «беғуноҳ кишиларнинг қонини тўқинг», деган оят, кўрсатма йўқ-ку. Улар Қуръонни ўқиб кўрганмилар? Ҳўп, араб тилидаги Китобни ўқиб ва тушуниш қийин бўлса, тўқсонинчи йилларнинг бошларидаёқ уламон киром Алоуддин Мансур ҳазратлари томонидан замонавий ўзбек тилига ўғрилиб, чоп этирилган изоҳли таржима мавжуд-ку.

Мен ҳам диншунос олим эмасман. Бухоро, Самарқанд ёки Тошкент модарсаларида диний таҳсил олиш насиб этимаган. Аммо Қуръони каримни ўзбек тилига таржима қилдириш фикри туғилиб, у амалга оширилиб, изоҳли таржима китоб шаклида дунё юзини кўргунга қадар Таржима марказида ишлаб турганим ва шу жараёнда баҳоли қудрат иштирок этганлигим ҳақида шу таржимани Қуръони каримнинг олим тилига ва таниқли араб-шунос олим, академик Игнат Юлианович Крочковскийнинг ўрс тилига қилган таржимаси билан оятма-оят солиштириб кўрганлигим сабабли элимга

нисбатан ўтказилган зугум, жафолар боис қалбимдан отилиб чиқарган фарёдларимни Аллоҳ таоло нозил этган оятлар ила асослашга ҳаракат қилдим. Биронга оятнинг мазмунига тўлиқ етолмаган бўлсам, Аллоҳ кечирсин. Албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир. (Мақолада қавс ичида зерилаган рақамларнинг биринчиси Қуръони карим сўзларининг тартиби рақами, иккинчиси эса ўша сўрадаги оятнинг тартиби рақамидир. Буютларнинг таржималари Қуръони Каримнинг ҳазрат Алоуддин Мансур ўзбек тилига қилган таржимасидан олиниди).

Ислолда экстремизм, гуруҳ-бозлик бўлиши мумкин эмас, яъни чин дилдан Ислом динига эътиқод қилган, ягона Аллоҳга иймон келтирган зотлар ҳеч қачон экстремизм йўлига ҳам кирмайдилар, гуруҳбозлик ҳам қилмайдилар, динда турли фиркалар ҳам бўлимайдилар, чунки бундай ишлар Қуръонда маъна этилган «...Динни барло қилганлар ва унда фирка-фирка бўлиб бўлиманлар» (42:13). Агар мусулмонлар орасидан кимдир шайтонли лойи васвасасига учиб, шу йўлга кириб қолса, ўз-ўзидан Исломдан чиқиб кетади, зеро унинг хатти-ҳаракати Қуръон оятларига, Аллоҳ таоло кўрсатмаларига зид бўлиб қолади. «Мусулмонман», деб ҳар қачон оғиз кўпиртириб, қўқсига муштламагин, Аллоҳ таоло кўрсатмаларига зид иш қилганларни мусулмон деб бўлмайди.

«Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда тавозу билан юради-

ган, жохил кимсалар (бемаъни) хитоблар қилган вақтида ҳам «Омон бўлинглар» деб жавоб қиладиган кишилардир. (25:63).

«Улар Аллоҳни кўйиб, бошқа бирон «илоҳ»га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдирини маъна этган бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар» (25:68) «Уларга Парвардигор оятлари эслатилган пайтда уларга гўнг ва кўр ҳолларида ташлаб қўйилган» (25:73)

Аммо динни ўзига никоҳ қилиб олган, асл моқсади нимонидир қўлга киритиш, кимдандир устунликка эришиш бўлган, шахсий манфаатини қондириш йўлида бошқаларнинг ҳақ-хуқуқларини сарик чақага ҳам олмайдиган кимсалар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин бўлмайди, деб ҳеч ким қафолат беролмайди, зеро шайтонли лойи одамларни тўғри йўлдан оздиради, васваса қилади, хунук ишларни чиройли қилиб кўрсатади ва бу ҳол қиёмат кунигача давом этади. «Менга улар тирилдирилган Кунгача (қиёматгача) муҳлат бер», деди у. Аллоҳ деди: «Сен муҳлат берилганлардансан». У айтди: «Қасамки, мени йўлдан оздирганинг сабабли мудоом Сенинг тўғри йўлинг устиде уларни кўтиб ўтирурман. Сўнгра олдидан ва орттирдан, ўнгу сўлдидан келиб, тўғри йўлдан оздирурман ва оқибатда уларнинг кўпларини шўкр қилган ҳолларида топмайсан. Аллоҳ деди: «Ундан (жаннатдан) жиркоч ва мағлуб ҳолда чиқ Қасамки, улардан кимда-ким сенга эргашса, олбатта жаҳаннамни сизларнинг барчаларингиз билан тўлдирурман». (7:14-18) Ва бу ҳол Одам Атонинг ўли Қобил бир қизни талашиб ўз иниси Ҳобилни ўлдирган дамдан бошланган. «Бас, нафси унга ўз биродорини ўлдирини чиройли қўрсатиб (Қобил) уни ўлдирди ва йўқолиб кетгүвчилардан бирига айланди.» (5:30)

16 феврал куни беғуноҳ кишилар қони тўқилди. «...агар кимдир бир беғуноҳ кишини ўлдирса - бошқа бир одамни ўлдирган қотил ёки юртда бузғунчилик қилиб юрганларни ўлимга мажбум қилиш бундан муностасно - унинг қилмиши бутун инсониятни кириб юборганга тенг бўлади ва агар кимдир бир кишининг жонини омон сақлаб қолса, унинг бу иши бутун инсониятга жон бағишлагандек бўлади. Ва Бизнинг пайғамбарларимиз сизларга равшан оятлар билан келдилар: аммо шунга қарамастан уларнинг кўпчилиги мамлакатда турли нағмалар кўрсатиб, бебошлик қилдилар.» (5:32)

Бу оятни ҳукумат йиғилишида сўзга чиққан домлаи киром ҳам мисол қилиб келтирдилар. Энди қилларга ўлим жозоси берилиши мумкин, деган савол ҳам тувилиши мумкин. Қуръони каримда шундай оят бор: «Албатта Аллоҳ ва пайғамбарига қарши урушадиган ва мамлакатда тартибсизликлар

содир этишга ҳаракат қилган кимсаларнинг жазоси - ўлдирлиш ёки доғга қосилиш ёки оёқ-кўллари тексарисига қесилиши ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишларидир.» (5:33) Бу оятни қўчироялман-у, бир ҳаёл миямдан чиқмайди: Ҳўш, 16 феврал куни ҳалок бўлган ва ўндан кейинги кунларда олган жараҳатлари тўфайли вафот этган юртдошларимиз ёки ҳалок этилиши режалаштирилган раҳбарларимиздан қайси бири Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига қарши қурол кўтариб урушаётган эди? Уларнинг қайси бири мамлакатда тартибсизликлар содир этишга ҳаракат қилаётган эди?

Мутахассислар 16 феврал воқеаларини «жуда пухта ўйлаб тайёланган ва усталик билан амалга оширилган хатти-ҳаракат», деб баҳоламоқдалар. Нега улар давлат раҳбарига сўксод уюштиришди? Жонига қасд қилмоқчи бўлишди? Ўзбек элининг буюк шоири Абдулла Ориповнинг ҳукумат йиғилишида сўзлаган нутқи қўлимда жаранглайди. Бу жиноятга қўл урган кимсалар эл-юртнги ўйлаганларида шундай қилармидилар? Агар улар Қуръони каримни ўқиган ва ўққан, ҳар бир оятнинг маънаси қачқан бўлганларида шундай қилармидилар? Ҳеч қачон бундай қилмасдилар, зеро Аллоҳнинг қаломиде «Эй мусулмонлар, Аллоҳга итоат этинглар ва пайғамбарга ҳамда ўз ораларингиздан бўлган раҳбарларга бўйсунинглар», деб буюрилган-ку. (4:59)

Ахир давлатимиз раҳбари собиқ Шўролар довридагидек бошқа юртлардан келтирилиб, раҳбар қилиб қўйилган киши эмас, Ўзбекистоннинг, ўзбек элининг фарзанди-ку. Ўзбекистонни келажакда буюк давлатга айлантиришнинг зил-замбил юқини шу киши кўтара олишига иймон келтирган. Бундан ташқари, Аллоҳнинг назари шу кишига тушган, зеро Аллоҳ таоло ўзининг қаломиде айтганидек: «Аллоҳ айрим-айримини айримларингиздан ризқда устун қилиб қўйди.» (16:71)

Ёки: «Аллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга илгари ўтган шундай зотларни халифа қилгани сингари уларни ҳам Ер юзиде халифа қилиб қўйишга ваъда берган.» (24:56)

Ҳўш, Аллоҳ таоло ризқда кимдир кимдандир устун қилиб қўйганига ёки кимдидир ер юзиде халифа қилганига қарши чиқиб мумкинми? Ахир Аллоҳнинг оятларига қарши чиқиб Аллоҳнинг ўзига қарши чиқиб деган маънони англатмайдими? Шундай қилган кишилар бузғунчилик айланб қолмайди? «...Улар ерда бузғунчилик қилиб юрурлар. Аллоҳ эса бузғунчиларни севмас.» (5:64) Чинакам мусулмонлар ҳеч қачон шайтоннинг васвасасига учмайдилар, яъни «нега фалончи бу қорхонага бошлик, мен эса чет-доман», ёки «нега пистончи фалон шахарга ҳоким, мен эса оддий хизматчман», деб фарз

ҲАЗРАТ ҲАМЗАНИНГ МУСУЛМОН БЎЛИШИ

Бир куни Пайғамбаримиз (А.С.) Сафо тепалиги этагиде ўтирдилар. У ердан ўтиб кетаётган кофир Абу Жаҳл ва унинг лаганбардорлари Пайғамбаримизни ҳақорат қилдилар. Пайғамбаримиз ҳеч нарсга демадилар. Кофирлар сўкина-сўкина ҳетдилар. Абу Жаҳл ва унинг шериклари қилган бу ёмонликларни Ҳазрат Ҳамзанинг хизматчиси кўрди ва эшитди. Ҳазрат Ҳамза ўша куни овага кетган эди. Ҳазрат Ҳамза ованд ўқ-ёйларни бўйинида, қиличи белида қайтиб келди. Хотини (чўрисини) кўзларида бир рағимлик бор эди. Ҳазрат Ҳамза ундан сўради:

- Хафа бўлиб, йиғлаган кўринасан. Аҳволинг яхшими, нима бўлди, айт? - деди.

Чўри хотин:

- Хафа бўлмай нима қилай? Мен бир аёлман, яна чўриман, қўлимдан нима ҳам келарди, - деб айтди.

Ҳазрат Ҳамза:

- Нима бўлди, тезроқ айт, - деди.

- Нима бўларди... Шу кунга қадар бошингизга қўйиб эъзолаганингиз, ўзингизнинг қиладиган ишларингизда доимо фойдаланадиганингиз, ахлоқини, фазилингиз, тўғрилигини жонингиздек севган дўст-қўрилигингиз ўлидан Пайғамбарингиз эълон қилинган, ҳаммагиз ўзингизни айирдингиз. Уни ёлғизлатиб бир қанча золимларнинг ҳақоратига йўл қўйдигиз... Мана, бутун Абу Жаҳл ул муҳтарам шахсга турли ҳақоратлар қилиб, ёмон сўзлар билан қуфрлар қилганидан еру кўх йиғлади, мен ҳам йиғладим, - деб аёл қаттиқ йиғлай бошлади-да, давом этди:

- Холбуки, сиз Қурайшлинг энг улуг қаромонларидансиз. Ҳошим ўғилларининг энг эътиборли, кучли, қувватли арслонисиз... Мен нима қила олардим, бир муштипар аёлман, - деди.

Чўрининг имон-ла йўғрилган, қалбнинг оташи ила ёниб қилган хитоблари Ҳазрат Ҳамзага қаттиқ таъсир қилди, акраблик, қариндошлик ҳисларини уйғотиб, гайратга келтирди. Ҳазрат Ҳамза ов қийим-

ларини ечмай, тўппа-тўғри Қурайш кофирлари тўпласиб ўтирадиган «Дарундаво» ноили уйга қараб кетди. Абу Жаҳлнинг лаганбардор ҳамтоқлари атрафини ўраб ўтиришарди. Ҳазрат Ҳамза Абу Жаҳлнинг қаршига тегиб, қон оқиб бошлади. Абу Жаҳлнинг тилёғлама шериклари Ҳазрат Ҳамзага ташлиб ҳужум қиломоқчи бўлдилар. Аммо Абу Жаҳл: «Тўхтанг, Ҳамза ҳақ. Мен унинг қариндоши ўғлини ҳақорат қилдим», деди. Абу Жаҳл бир шайтонсифат одам эди. Ҳазрат Ҳамза бизга ҳақд қилиб, қизишиб Ҳазрати Муҳаммаднинг динига қиради, мусулмон бўлади, деб қўрққанидан Ҳазрат Ҳамзани тинчлантирмоқчи, алдамочки бўлди.

Ҳазрат Ҳамза у ердан чиқиб, Пайғамбаримиз (А.С.) хузуруларига борди ва:

- Эй қариндошимнинг ўғли! Қимматли жияним, Абу Жаҳлнинг қуфр тўла бошини яраладим, ул ҳозир қонга беланиб ётибди, сенга қилин қўполлигининг жазосини бердим. Энди мендан мамнунмисан? - деди.

Пайғамбаримиз (А.С.) севимли амакисига жавоб бериб:

- Эй севимли амаки! Мен бу сўзлардан мамнун бўлолмайман. Мен фақат сен мусулмон бўлганингизга севинман, мамнун бўлман, - дедилар.

Ҳазрат Ҳамза шу заҳоти мусулмон бўлди, Қалима Шаҳодат келтирди ва шу кундан бошлаб мусулмонлар тарафини олиб маърузалар қилди, шеърлар ўқиди, уларни муҳофазга этди.

(Юсуф ТОВАСЛИЙНИНГ «Ҳикматлар хазинаси» китобидан).

БИР ЖАФО»

қилмайдилар, рашк ўтида куй-майдилар, зеро «...Аллоҳ ўзи истоган кишиларга хисобсиз ризқ беради». [2:212] Ва буни ўзгартириб бўлмайди. Чинакам мусулмонлар подшоликнинг ҳам, ғорбликнинг ҳам, гадоликнинг ҳам, ўртамеъналикнинг ҳам Аллоҳ томонидан ризқ сингари берилишига иймон келтиридилар. «Аллоҳ подшолик берганидан ховликиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсаннинг холи-хабарини билмадингизми?» [2:258]

Инсон ўзи нима? Нера у ўзининг Яратувчиси буюрган амалларини қилишдан бош тортади, баъзан эса бу кўрсатмаларга қарши кураша бошлайди. «Дарҳақиқат, Биз инсонни энг тоза бойдан яратдик. Сўнгра уни маний-нутфа сифатида хавфсиз қороргоҳга жойлади. Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан парча гўштни яратиб, парча гўшдан сўякларни яратиб, бу сўякларга гўшт қопладик, сўнгра бошқа бир жонзод ҳолида пайдо қилдик». [23:13-15] Аллоҳ таолонинг қудрати ила бир томчи ҳақир сўядан яралган, сўнгра эса ўзининг Яратувчиси яратган бошқа бандаларининг жонига озор етишига сабабчи бўлиб қолган бандалар Ислому динининг нималигини муфассал биладиларми? «Бугун сизларга динингизни қомил қилдим, неъматини бунгун ҳам, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исламни дин қилиб танладим». [5:3] «Ислому» сўзининг луғавий маъноси эса ўзини Аллоҳ йўлига бутунлай баҳишда этганини оналтади. Ислому дини тўғрисида гапирилганда табиий равишда «кўш, мусулмон ким, у қандай бўлиши лозим?» деган савол пайдо бўлади. Мен бу саволга «ундоқ бўлиш керак ёки бундоқ бўлиш керак», деган қатъий жавоб айтишга ҳам, фатво беришга ҳам вақолатланмаганман, аммо беш вақт намозини қанда қилмайдиган, Аллоҳга ширк келтирмайдиган, гуноҳи кабиралардан ҳазар қилмайдиган, бир бурда номини пешона тери билан топишга одатланган захматқаш бир банд сифатида шундай айтишим мумкин-ки, ҳеч кимни мажбуран мусулмон қилиб, зўрлаб динга киритиб бўлмас экан. Бу ҳақда Қуръони каримнинг олтинча сурасида, яъни 2:256, 9:5, 6, 10:99, 100, 108, 13:31, 16:9, 93, 106 ва 18:29 ларда таъкидлаб ўтилган. Ҳар бир банданинг ўзи ич-ичдан етилиб, Аллоҳ белгиланган пайтда чина-кам мусулмон, қомил инсон мар-табасига эришоди.

Ўзбекистон дунёвий давлат. Унда юзлаб миллатларнинг вакиллари яшайди, ишлайди, умргузаронлик қилади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос тушунчаси, расм-русуми, эътиқоди, дини бўлиши мумкин. Мен мусулмонларимизнинг бир қўлида Қуръон, бир қўлида компьютер тутиб, Аллоҳнинг ишқини дилига жо қилиб, чиройли амаллар қилиб, нури

келажак сари дадил қадам ташлаётганларини тасаввур қиламан. Энди агар қанда-ким ўзини тўлиқ қомалатга эришган ҳисоблаб Аллоҳнинг йўли - динига даъват эмас, қилич кўтариб, одамларнинг дилига ваҳима солиб эмас, балки ширин сўзлар билан, ўзининг оғла ахлоқ-одоби, адолати билан ўрнак бўлиб, даъват қилиши мумкин, холос. Зеро, «Парвардигорингизнинг йўли - динига толиқлик, ҳикмат ва чиройли панд насихат билан даъват қилинг. Улар билан энг гўзал суратда муҷолапа-мунозара қилинглар». [16:125]

Хурматли Президентимиз ўз нутқларининг бирида «Аллоҳ бизнинг дилимизда, юрагимизда», дедилор. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асосини ҳам шу фикр ташкил этгани ёдимга тушди. Ул зот «дил ба ёру, даст ба қор», деганлар. Буни тахминан «қўлинг меҳнат билан бонд бўлсин, ёр (Аллоҳ) дилингда бўлсин», деб таржима қилса бўлади. Каломи Шарифда шундай сўра бор: «Аниқки, инсонни Биз яратганмиз, унинг нафси васвасо қилодиган нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқмиз.» [50:16] Бу оят «Мен одамларнинг қолбидоман», деган маънони аналтадими.

Ушбу мақолада 16 феврал воқеаларини содир этган қимсаларнинг хатти-ҳаракатлари Қуръони карим оятларига зид эканлигини оятлар билан исботлашга баҳоли қуарот ҳаракат қилдик, бундан кўзланган мақсад ўқувчиларга қандайдир маънода ердом беришдир. Зеро, бундан 14 аср илгари бутун олам халқларига дастуриламал сифатида нозил этилган, 114 та сўра, 6236 та оятдан, 77439 та сўзу 325743 харфдан иборат бўлган, хозирги кунгача бирорта харфига ўзгартириш киритилмаган Қуръони каримни битта мақолада тасвирлаб беришнинг иложи йўқ. Бу мақола орқали Қуръони каримни химоя қилишни ҳам ўзимизга мақсад қилиб қўймодик, зеро у бизнинг, яъни оддий бир чумоличалик қудратга эга бўлмаган банданинг химоясига муҳтож ҳам эмас, чунки у бутун оламлар Яратувчисининг химоясиде. «Дарҳақиқат, ушбу эслатмани Биз ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, ўзимиз уни сақлагувчимиз». [15:9] Кўзлаган асосий мақсадимиз ўқувчиларни эзгу ишларга, яхшилик қилишга, саховатга даъват қилиш, турли ёмон ишлардан қайттишга қақиритиш, ёшларимизга турли шахсларнинг билиб-билмай, «Қуръонда ундай дейилган, ҳадисда бундай дейилган» қабилидаги гапларига «гўнг ва кўр холларида ташланмасдан», китобларни ўқиб кўриб, ишонч ҳосил қилгандан кейин амал қилишни маслаҳат бериш эди.

ЙўлдошПАРДА, ёзувчи.

Кузатишлардан маълум бўлишича, кўплаб жиноятлар атрофдагиларнинг лоқайдлиги ва бепарволиги оқибатида содир этилади. Ва айнан ушбу иллатлар жиноятнинг пишиб етилишига, газак олиб кетишига қулай шарт-шароит яратади. Бу эса, қонунбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш фақатгина маъмурий идораларнинг вазифаси бўлибгина қолмай, балки умумхалқ иши эканлигидан огоҳ этади.

• Ҳар кимки ёмон бўлса...

ҲУШТ

ҚОЛИПДАН КЎЧГАЧ...

Колонияда жазо муддатини ўтаётган Жовдат «Бир марта йўлдан адашиб, бу ерга келиб қолдим. Қўнғир ишнинг оқибати шунақа бўлса, унга қайта қўл ўрмайину бунақа жойни елкаминг чўқури кўрсин», дея ўзига-ўзи сўз берганди.

Кўнлару ойлар ўтиб, Жовдат ўйига қайтди. Кўкрагига озодлик эпкини тегиб йигитнинг боши айланиб қолди шекилли, қилган аҳду паймони ҳам ҳаёлидан кўтарилиб кетди. Тузалиш йўлига ўтиш, барбод бўлган ҳаётини изга солиш ўрнига у атрофига тенгқурларини йигиб, улфатчиликка зўр берди. Даврадошлари орасида обрў орттириш учун «эсонада» кўрган-кечирганлари билан мактанарди.

Ўглининг кўча одамига айланиб бораётганидан ташвишланган ота неча бор панд-насихат қилди. Бирон дурустроқ ишнинг этагидан тутишни маслаҳат берди. Аммо ноқобил ўғил отанинг гапига кириш ўрнига, кўча-қўйдан топан пулига нуқул ичадиган одат чиқарди. Баъзи-баъзида уйга ҳам ичкилик келтирар, отасини ҳам ичишга тақлиф қиларди. Бундай вақтда ота ҳам «қакраб» турган томоғини «қўллаб» олишдан ўзини тия олмасди. Бора-бора ота-бала тез-тез зиёфат уюштириладиган бўлишди.

Утун йилнинг 24 июлида ҳам шундай бўлди. Қоқдандир топан пулига ичиб келган Жовдат уйга келиб улфатчиликни давом эттирмоқчи бўлди. Чўнтагидан пул чиқариб, отасига вино келтиришни буюрди. Иккаласига бир шиша ҳеч вақо бўлмади. Жовдат яна отасини винога юборди. Кўп ўтмай иккинчи шиша ҳам бўшатилды. Қайфи ошиб қолган Жовдат отасига тагин ичкилик келтиришни буюрди. Ота бу гал унамоди. Жовдат шундан сўнг гандирақлаб кўчага чиқди. Дўконга кириб чўнтагига қўл солди. Пули туғаб бўлган экан ҳисоб. Бир стакан винога пул тўлаб, симириб олгач, изига қайтди. Уйга кирса отаси диванда ястаниб ётарди. Ўғилнинг гаши келди: «Менинг пулимга ичади-ю, айтганимни қилмайдми...»

- Нера серрайиб туриб қолдинг? Ўтиб дамингни олсанг-чи?

Жовдат буни ҳақорат деб тушунди. Жазаваси кўзиб, ҳе йўқ, бе йўқ отасининг дуч келган жойига мушт тушира бошлади. Полга юмалаб тушган ота кетма-кет тушайётган зарбалардан қутулиш учун бир амаллаб кўчага қочиб чиқди. Кўзи қонга тўлган ўғил унинг ортидан югурди. Аллақердандир қўлига илашган таёқни олиб, отасини кува кетди. Юз-кўзлари моматалоқ бўлган бечоранинг оҳ-

додини ярим тунда ким ҳам эшитарди? Жовдат бир зумда отасига етиб олди. Бошининг орқа қисми аралаш бўйнига тушган қаттиқ зарбдан ота бечора юзтубан йиқилди. Ҳансираб нафас олаётган Жовдат гўёки ҳеч нарсга рўй бермагандек, қалтакни улоқтириб юборди-да, ҳушидан кетиб чўзилиб ётган отасини елкасига кўтариб уйга қайтди. Отасини диванга улоқтириб юбориб, дам олиш учун кўшни чоғага кириб кетди.

...Эшик кўнгирувининг тинимсиз жириглашидан Жовдат ўйғониб кетганида аллақачонлар кун ёришиб кетганди. «Уйда ҳеч ким йўқми? Нера отам эшикни очмапти?» Боши хум бўлиб ётган Жовдат тунги воқеаларни хотто эслай олмасди. У йўлакка чиқа туриб, диванда ғайритабиий ҳолда ётган, жисми тани моматалоқ бўлиб кетган отасини кўриб талмовсираб қолди. Шу пайт яна кўнгирук жириглади. Эшикни очиб, рўпорасидаги участка нозирини кўрган Жовдатнинг юраги нақ товонига тушоёзди...

Шундай қилиб, муқаддам судланиб, жазо муддатини ўтаган, хатосидан тегишли ҳулоса чиқарган бўлса-да, унга амал қилмаган пойтахтимизнинг Милробуд туманида яшовчи Ж.Айтқулов суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилди. Подаркүш деган ном олди.

Оддийгина бўлиб кўринган юқоридеги воқеа гувоҳ бўлганингиздек, ривожланиб қотилликка айланди. У кунора бўлиб турадиган машаша бўлганлиги сабабли ҳам кўни-қўшнлар, ён-атрофдагилар бунга эътибор беришмаганди. Учқундан аланга чиқиши ҳар доим ҳам ҳаёлга келавермас экан...

Қотиллик содир этилмас, бир одам бевақт ҳаётдан кўз юмиб, яна бирининг умри панжара ортида ўтмасди: Агарда, маҳалла фаоллари ичкиликка мўқасидан кетган ота-болани тартибга чиқаришганда, уларнинг тез-тез бўлиб турадиган жанжалларига чек қўйишганда; кўни-қўшнлар ўз вақтида тегишли органларга хабар беришганда; участка нозир Жовдатнинг тақдирини билан жиждий шуғулланса, уни тегишли диспансерга жойлаштириш чорасини кўрганда...

Агарда...

Ғиш қолипдан кўчиб бўлгач, ҳушёрлик уйғонади одатда бизда!..

Х.ТУРДИБОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғининг уринбосари.

Фотоларва

Шодиаҳмад Сачираев мана 20 йилдирки милиция сафида хизмат қилиб келмоқда. Айни вақтда милиция подполковниги Ш. Сачираев Термиз шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Суратда: Ш. Сачираев милиция лейтенанти З. Дўстмуротов билан.

А. МАМАТКУЛОВ сурати.



Кадим-кадимдан аёл — ҳаё рамзи сифатида кадрланиб келинади. Ҳаёли аёл оиланинг номуси, эрининг хузур-халовати, фарзандларининг меҳрибонидир. Ана шундай мерос фазилатларни намойён қилиб келаётган минглаб аёлларимиз хонадонларимизни нур билан тўлдирмоқдалар. Шундай деймиз-у, лекин беш кўл баробар эмас экан, нафс балосига берилиб, номусини, кадрини унутган баъзи аёллар фоҳишалик қилишлари, ёш йигитларнинг ярамас ва қаҳиб ишларга боришлари кишини ташишлантиради.

Мухбир иш бошлади

«Хуқуқ»нинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари бўйича мухбири Мансур Аловиқдинов иш бошлади. Қуйида унинг қаламига мансуб мақола чоп этилмоқда.



• Оғриқ нуқталар

ҲАЁСИЗ ҲАЁТ ТУБАНЛИҚДИР

Ривоят қилишларича, ўлимга маҳкум этилганлар орасида бир аёл ҳам бор экан. Уларни ўлимга олиб кетишбётганида ҳалиги аёл ил ва игна беришларини сўрабди.

- Нима қилсан, игу игнани? - сўрабди жаллодар.

- Тизсамнинг ёнидан чоки сўкилибди, шуни чандиб олай, - дебди аёл.

- Ахир сен ҳозир ўласан-ку! - дебди пасбонлар.

- Мен аёлман, шарм-ҳаёмини саклай. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам номусим ҳаққи, ҳалойиқ олдиға аёлдек чиқишим керак! - деган экан.

Дарҳақиқат, ёши бир жойға бориб қолган кекса онахонларимиз умрининг сўнги кунларида ёнида бир этакёлари бўлишини жуда-жуда исташган.

Ҳаё, шай-шухрат, ишонч, ифбат сингари нодир хислатларни одам фақат мисқоллабгина йиғиб, тобора орттириб бора олади. Уни катта бойлик эвозига топиб бўлмаганидек, бирор кимсага сотиб ҳам бўлмайди. Ҳаёсиз таннинг махлуқ танидан фарқи борми?

Эҳ, сиз адашган сингилчалар! Ҳаё ва танинги сизлар учун шунчалик беқадр бўлдими?

Мақсудахон баъзи бироварга ўхшаб «Саёр таги - сариқ олтин» экан, деб қўл қовштириб ўтиридан опалардан эмас. У кўпроқ: «Ҳаёт сенга боқмас, сен ҳоётга боқ», қабилда иш тутушни хуш кўради. Шундай бўлса-да, Мақсудахон жонини койитиб, мўмай даромад орттириш йўллариини топишда бироз ўйланиб қолди. Баъзи тендошлари аризманд машоҳ ҳисобига йил-ун икки ой тер тўкиб меҳнат қилиб ётибди. Яна бошқалари эса ўзларини бозор-учар ишларига уришган. У қандай йўл тутгани экан-а? «Топдими! - шу топда миясига урилган фикрдан Мақсудахоннинг ўтли кўзлари янада чакнаб кетди. - Худди шундай қиламан. Ортиқча ташишдан нима фойда».

Шундай қилиб, Мақсуда Маматқулованинг ишлари юришгандан юришиб кетди. У яшаётган хонадонда очилган фоҳишахонада мижозлар сони тобора орта борди. Мақсудахон эса «белли бўкилмаган» юзталиқ пулларни санаб тахлаш билан овора. Қўшмачи аёл таъбири билан айтганда, ишлар унинг дилига жуда мос тушган. Фақатгина «бор бўлса - кўролмас, йўқ бўлса-беролмас» кўни-қўшилар, маҳалла оқсоқоллари «юзимизни ерга қаратаёпти» - деган оғриқ хадимларига арз-дод қилишлари гашини келтирарди.

Туман ички ишлар бўлимида тезор тозалаш тадбири тузилди. 1998 йил 9 март куни соат 16 лар атрофида маҳалланинг бир гурӯҳ вакиллари

Мақсуда Маматқулова яшаб турган хонадонда бўлишди. Шу пайтда бу ерда уч нотаниш шахс ва бир аёл борлиги аниқланди. ИИБ ходимлари бегона кишилардан таширларининг сабабини сўраб-суриштиришганда, улар бу ерга зино мақсадида келганликларини тан олишди. Шароит яратиб берганлиги учун ҳар бир мижоз Мақсуданинг чўнтагига икки юз сўмдан беш юз сўмгача нақд пул солишган.

Фоҳишахона соҳибсининг алдовлари домига учган А. ва Ф. сингари ёш, қўшлиқина аёллар пул эвазига ўз танларини бегона эркакларга сотиш учун ёлланиб, доимий «хожатбарорликка» келиб турганлар.

Фоҳишалик бобида енгил табиати Ўлжон Солиқованинг ҳаёсизликлари Мақсуданикдан қолишмайди. 1977 йилда туғилган, муқаддам судланган Ўлжон Хатирчи туман ИИБ томонидан гумондор сифатида текшириб қўрилганда, унинг заҳм таносил касаллиги билан оғирлиги оён бўлди. У бир неча бор қатий оғохлантирилган. Бирок, 1998 йил март, апрел ойларида бир неча эркаклар билан жинсий алоқада бўлиб, уларга ўзидати заҳм касаллигини юктириб, Ўзбекистон ЖКнинг 113-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этади.

Тарбияси бузуқ Ўлжон Солиқова ўзининг жинсий ишларини давом эттириб, талай ўғриллик, талон-тароқчилик ишларига ҳам қўл урган. Жиноятчилар одил суд олдига жазоларини олдилар.

Ўз хонадонини фоҳишахонага айлантирган Мақсуда Маматқулованинг ширин-шакор тўрт фарзанди тақдирини ўйлаб кўрмаганига ачинасан, киши... Ўлжонни-ку, қўйиб тураёлик. Гулдай хотини, фарзандлари бўлган баъзи эркакларнинг фоҳиша аёлларга элақиб, турли оғир касалликларга мубтало бўлаётганликлари ачинарли эмасми?

Пайғамбаримиз: «Ҳаё билан иймон бир-бирига боғлиқ, бири кетса, иккинчиси ҳам кетади», - деб бежиз айтмаганлар. Дарҳақиқат, ҳаё динни равшан қилувчи бир нур. Инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиебига муҳтож. Виждоннинг, ифбатнинг пардаси ҳам ҳаё дейдилар.

Ўзбек халқи жаҳонда ўзининг ҳаёси, меҳру садоқати билан ажралиб туради. Биз ҳар биримиз ана шу буюк миллатнинг шаъни, ор-номусини сарбаланд тўтиб яшайлик.

Мансур АЛОВИҚДИНОВ.

• Жиноят жазосиз қолмайди

НИҚОБ ЙИРТИЛДИ

Бозорларга қалбаку сертификатлардан фойдаланиб савдо қилаётган қаллоблар паўго бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 майдаги «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансубдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига алоҳида масъулият юқлади. Бу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ҳамза тумани прокуратураси умумий назорат тартибиде текширишлар ўтказмоқда.

Прокуратура ходимлари туман ҳудудидеги «Паркент» ва «Янгиобод маркази» бозорларида ўтказилган текширишларда Ҳамза тумани прокуратураси умумий назорат тартибиде текширишлар ўтказмоқда.

Сохта сертификатдан фойдаланиб даромад топаётганлардан бири «Паркент» бозориде фош этилди. У 128957-сонли мувофиқлик сертификатидан нақонуний равишда фойдаланиб озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётган В.Ким экан. Ушбу сертификат Ҳамза тумани прокуратураси №NSSUZ. 01.NSO 148253 рақами билан рўйхатга олинган, 1998 йилнинг 2 мартдан 31 декабригача амал қилиши белгилаб қўйилган бўлиб, М.Кимга мулкка алоқаси бўлмаган. Гап шундаки, ушбу рақамли сертификат 1998 йил 3 февраль куни «Космо» қўшма корхонасига енгил автомашина гидраларлари учун берилганлиги мувофиқлик сертификатларини ҳисобга олиш дафтариде қайд этилган.

Текширувчилар бу сохтадаги ишларни «элакдан» ўтказганлариде марказининг қатъий ҳисобидеги бир неча сертификат варақчалари қамомодини аниқлашди. Уларнинг гойиб бўлиши замирида қимматларингиде гаразли мақсадлари ётибди, албатта. Суриштирув натижасида аниқ-

ланмаган шахслар томонидан Ҳамза тумани марказининг қатъий ҳисобидеги сертификатларни гаразли равишда фойдаланиш, муайян ҳуқуқни берувчи расмий ҳужжатни қалбақлаштириш билан ЖКнинг 227-моддаси, 1-қисми ва 228-моддасининг 1-қисмида белгиланган жиноят содир қилинганлиги ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Қонун ҳимоячилари назоратни изчил олиб бордилар. 1998 йил туман прокуратураси туман ДСИ ходимлари билан биргаликда «Янгиобод маркази» бозориде яна бир тадбир ўтказишди. Бу сафар тадбиркор М.Аstonov текширувчилар назарига тушди. 170436-сонли мувофиқлик сертификати айнаш шу шахсдан топилиди. У қалбақлаштирилган сертификатдан уялмай-нетмай фойдаланиб, озиқ-овқат савдоси билан шуғулланиб келган. Суриштирувдан сўнг маълум бўлишича, 170436-сонли сертификат «Ташкертис» фирмаси томонидан ДП «Мориор трейдинг ЛТД» корхонасига фақат соғисика маҳсулотлари учун берилган. Бирок бу сертификат қалбақлаштирилиб, яна бир неча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари қўшиб ёзилган ва «КООПЕ» масъулияти келган ҳамиятининг муҳри билан тасдиқланган. Прокуратура ходимлари бундай жиноятга қўл урган яна бир қанча шахсларни аниқлашга мувофақ бўлдилар ҳамда уларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиний иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмақда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йилнинг иккинчи ярмида бундай ҳолатлар юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилган эди. Бундай жиноят турларининг ортиб бораётганлиги иқтисодиёт учун ҳам жиддий ҳавф туғдиришини унутмаслик лозим. Чунки қалбаки расмий ҳужжатлардан фойдаланиб, тегишли идоралар куриги ва лаборатория таҳлилидан ўтказилмаган, давлат стандартига мос келмайдиган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг бозорларда сотилаётганлиги кишилар ҳаёти ва саломатлигига путур етказмаслигига ҳеч ким қофлат бера олмайдди. Бундай қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва унга чек қўйиш ўта муҳим вазифа ва бу борада барча туман ҳокимиятлари, прокуратура, Ҳамза тумани маркази, ДСИ, СЭС ва бошқа тегишли идоралар ҳамкорлиқда кураш олиб боришлари талаб этилади. Токи ҳеч ким ўз шахсий манфатини ўйлаб, қонунни бузишга журъат этмасин.

С.МУХТОРОВ,
Ҳамза тумани прокуратурининг қатта ёрдамчиси.

• Вожаб!

Навбахор туман ижтимоий таъминот бўлимига йўлингиз тушиб қолса, лоқайдлик ва совуқ-қонлик оқибатида қарийб нураб тушиш ҳолатига келиб қолган идора босисининг аҳолини кўриб қалбингизга совуқлик орадаши турган гап. Бинонинг ички қисми ҳам ниҳоятда ноҳор ҳолда. Бошлиқ ўринбосари ва бош ҳисобчиға берилган хонанинг шифти теллақдек тешилиб кетган. Ҳамма хоналар таъмирталаб. Бу ҳолни кўрган киши яқин ўн йил ичиде бино лойсувоқдан ҳам чиқарилмаган шекилли, деб ўйлаш турган гап.

Аслида ҳам шундайми? Йўқ, бино ўтган йили таъмирланган. Қурилиш тошқилотларига бажорган иш ҳақларини туман ижтимоий

ДОҚАЙДЛИК

таъминот бўлими ҳанузгача тўлаган эмас. Навбахор туман ижтимоий таъминот бўлимининг айнаи пайтда «Қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамиятдан 230 минг сўм, «Совоб» ишлаб чиқариш фирмасидан 167,5 минг сўм, «Газ ва сув» қурилиш таъмирлаш бўлимидан 340 минг сўм, «Қурувчи» ҳиссодорлик жамиятидан 47,3 минг сўм қарзи бор. Туман ижтимоий таъминот бўлими раҳбари ушбу кредиторлик қарзларнинг муддатлари ўтиб кетган бўлса-да, ҳанузгача уларни тўлаш

ҳақида ўйлаб ҳам кўрмапти. Оқибатда Республика Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли Фармони ўз ижросини тапмасдан қоляпти.

Ижтимоий таъминот бўлимида ариза ва шикоятлар билан келган отахону онахонлар учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Улар ишларини битказиш учун тик оёқда навбатда туришга мажбур. Бошлиқ хонасида ўзига барча қулайликларни яратгану, афтидан бошқаларни унутиб қўйган.

Туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи М.Қувондиқовнинг лоқайдлиги ишда ҳам ўз аксини топган экан. Бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига амал қилмаслик, нафақа пулларини ўз вақтида молиялаштирилмаслик каби салбий ҳолатлар юзга келмасди. Худди ана шу сабаблар билан ҳам туман аҳолисининг 12 миллион 700 минг сўм маблағи ўз вақтида тўланмасдан, кечиктириб юборилган. Уйлашимча, буларнинг барчасига давр талаблари асосида ишлай олмаётган раҳбарнинг лоқайдлиги сабабчи.

Холмирза ҚУЛДОШЕВ,
Навбахор туман прокурори.

ҚИСКАЧА

Курд ишчилар партияси раҳбари Абдулла Ожалоун устидан бўлодиган суд мажлисиға чет эллик қузатувчилар умуман қиритилмаслигини Туркия ҳукумати ва расмий вакили эълон қилди.

Францияда чоп этиладиган «Пуэн» журналининг таъкидлашича, НАТОнинг Югославияға қилган ҳужумининг мувофақияти асло қафолатланган эмас. У фақатгина Югославия ҳукуматининг НАТОнинг сийсий келишув тўғрисидаги таклифини қабул қилишга ва бунда ҳар икки томондан ҳам ҳеч қандай талафот бўлмаслигига боғлиқдир.

• Хулосалар бекатидаги одам

(Давоми. Бошлангич газетанинг 9-сонда).

... Ородан йиллар ўтди. Насибали ҳам, ўғиллари ҳам аста-секин қамолга етга бошладилар. Мегадир Насибалига илк бор совчи келганида сесканиб тушганини ҳеч унута олмайди. Назориди одамлар Насибалини қандайдир анқов, озгина мероврок деб ўйлайдигандай, уни одамлар қаторига қўйишмайдигандай туюларди. Ахир, уни бешинчи синфдаёқ ақли паст деб хужжат тўғри-лаб мактабдан олиб қолган, ҳадеб калтаклаверилгандан бўйи паст, кўрimsизгина эди. Совчиларга қандай жавоб қайтаришни билмай узоқ талмовсиради.

- Қизимиз ҳали ёш, уни турмушга беролмаймиз, - деди у совчиларга.

Вокт ўтиб совчилар сони кўпайиб қолди. Ҳар совчи келганида Холидани совуқ тер босар, Насибалини турмушга берса уй юмушларини қим бажаришини ўйлаб ҳадиксирарди. Қизи нимжон. Мана, беш йилдирки, касалхонадан чиқмайди. Дарди етмагандай, онаси бунга ҳам Насибалига қилган кўпол муомаласидан, деб бидирлайди.

- Опа, қиз меники, уни ўзим боқиб катта қилдим, энди хоҳлаганиمنى қиламан, - жеркиб берди онасини бир гал Холида. Яна насиҳат бошланди.

- Насиҳат қилаверманг, - ўшқирди у.

- Агар ўша етимчага қайғурсанг озгингизни юмиб юринг. Биласиз-ку, аламиним ундан олиб, ҳумордан чиқман... Етим бола арасанг оғзи-бурунинг қонлар, дейишади. Бир кун бўлмаса бир кун мана шу ойимқиз хонадонимга ўт қўйиб кетади. Ундан кейин чапак чалиб қолганимнинг фойдаси йўқ. Жазосини ҳозир олиши керак.

Холида бу гапини ичиди кўл такорларди. Айниқса, қизининг нимжонлиги, Насибалининг ҳеч касал бўлмаслигини таққосласа, жони чиқиб кетар, Худонин ноинсофлигида айбларди.

- Ҳзи пешонамиш шўр экан, - йиллаб берди бир гал совчиларга.

- Катта қизим сал ақли пастрок, кичкинама нимжон. Бу кетишда бошим дардан чиқмайдим, шекилли....

У тўғри айтган экан. Шу-шу бошига дард ёврилиб келаверди...

...Холида тўй қилишни орзу қиларди. Бу орауси ушалоқдан бўлди. Катта бир идоранинг раҳбари билан қуда тутинишди. Қиз ўлига ҳам, отасига ҳам маъқул тушди.

Бошланаётган ишдан ҳаммалари хурсанд эдилар. Ниҳоят,

Аммо Насибалининг ўша гапи қулоғи остида такорларнаверди. Иссизи чика бошлади. Бир пайт кўчада эркаларнинг қаттиқ-қаттиқ галлашгани қулоқча чалинди. Халма саросималаниб қолди. Холида югуриб кўчага чиқкан эди, хўжайинига кўзи тушди.

- Н-нима бўлди, тинчликми?
- Машиналар авария бўлибди.

Битта бола ўлибди, иккитасини касалхонага об кетишганмиш... Холида ичига туфлади.

қовурилишар, бировнинг дардини кўтаргудек аҳволда эмасдилар. Қизни бувиси олиб кетди. Аммо, ородан бир ҳафта ўтиб-ўтмай энди тўзала бошлаган Насибалини қайтариб ола кетишди. Унинг ишларини қиладиган бошқа одам йўқмиш. Бувни хўрсиниб қолаверди. Гапирганидан наф йўқ...

Насибали чўлоканиб икки ҳафта юрди. Уй ишларидан ташқари далага чиқди, мол-ҳолга қаради. Қундан-қун дармони

«МЕНИ КЕЧИРИНГ,

ОДАМЛАР»

тўй кунни ҳам етиб келди. Холида болаларни сайрга кетгач, оғир нафас олди. Ичкари кирди. Қараса, хоналарни йиғиштириётган Насибали столда турган ажнабий этикеткали конфетдан иккитасини чўнтагига соляпти.

- Нима қилаёсан, гўрсўхта? - ўшқирди берди Холида.

- Шимиб юраман деб олувдим...

- Вой, ҳар чопага кирганингда иккитадан олаверсанг, столда нарса қоладими? Бу нарсалар сан учун олиб келинмаган.

Насибали чўнтагидоги конфетларни столга қайтариб қўйarkan, илк бор онасига гал қайтарди.

- Бу конфетлар эгалорига бўюрсин-да, ишқилиб.

Холиданнинг кўзи чиқиб кетди. Агар уйда тўй бўлмаганида, боғлаб тазйирини берган бўларди. «Вой, нонқур-ей, айтувдим, етим етимлигини қилади, деб. Ота-ониси биллиб етимхонага ташлаб кетган. Ман шу илпосни олиб сақламай, вақти соатини кутганимда Худойим шундоқам фарзанд берган бўларди. Вой, Худонга нима ёмонлик қилган эканманда...»

Холида ичиди минг-тўнғиллаб бошқа чопага ўтди. Меҳмон овёлар билан ҳол-аҳвол сурашиб

- Ўғлингиз...
- У оман, ҳозир келади...

- Вой, нима, тўй бўлмайдимиз энди?
Зориф хотинига еб қўйгудек бўлиб тикилди-да, нари кетди.

Холида уввос солиб йиғлашга тушди.

- Кўтаргунларича ичсалар бўлмасмиди...

Бировнинг тўйини бузди... Йўқ, бунга атайлаб қилишган... Зориф директорнинг ёлғиз ўғлининг тўйини бузиш учун душманлар ўйлаб толган...

- Она, қўйинг, ўзингизни босинг, - Насибали онасини юпатмоқчи бўлди-ю, балого қолди.

- Жувораск бўлгур, ҳаммасига сен айбарсанг аслида, - Холида дуч келган нарсани олиб Насибалига ота бошлади. Йиғлаб, қараниб қанча тирди, эсида йўқ. Бир пайт қараса уйи бўшаб қолибди.

Холида онаси Насибали билан нималарнидир гаплашиб ўтирган экан. Насибали уни кўриши билан туриб кетди.

- Кўргулик-да, болам, - онаси елкаларидан кучиб қўйди. - Бу дунё синов дунёси. Қувончи ҳам, қайғуси ҳам ўткинчи. Сабрли бўлиш керак.

- Худойимам синовининг ҳаммасини менга атаганим дейман-да, - тўнғиллади Холида.

Ўғли бир алфозда кириб келдию, сўхбатлари бўлинди.

- Келинни бошқа кунга олиб келарканмиш, - Содиқ шундай деди-да, ичкари ўтиб кетди.

Уша кунга туз тотмадилар. Холида ўтириб воқеанинг давомини кута бошлади.

Насибали уйларни йиғиштирди. Унинг болайиҳотир иш қилиб юриши Холиданнинг жияига тегарди.

- Опа, ана, ойимчангиз, минг қилса-да, бегона-да, дардимизга шерик бўлишга ҳам ярамаяпти, - мингирлади онасига.

- Дардини ичига ютиб ўрганиб қолган-да қизгина, - онаси бошини эгиб ўтирарди. Шу пайт Зориф шовироб кириб келди.

- Бўлмади. Болаларнинг яна бири қаза қилди. Биттаси реанимацияда... Мен айбдорман ҳаммасига... Бунча машина ниммага керак эди... Қанча ичишсам индамодим. Бир яйрашсин деди... Мана, оқибати...

қочиб, модорсизланаверди. Охири кўтаролмади. Яна йиқилди. Унинг бу йиқилиши оила аъзоларининг энгасини қотирди. Холида онасини чақирди.

- Энди бунингиздан наф йўқ. Қачон кетаверинг, барибир ҳеч қачон соғаймайди...

Ханифа момо инқиллаб-синқиллаб қизни парваршлади. Халиям келинлари инсофли. Гинг дейишмоди. Аксинча, жигаргўшларига қаргандай парваршлади. Уйда шифо топавермагач, дўхтирга ётқишиди. Насибали икки ойда бутунлай соғайиб кетди. Ханифа момо қизни уйига олиб келиб, келинлари, ўғилларини йиғди.

- Болам, - гап бошлади момо. - Менинг бир овғим ерда бўлса, бириси гўрда... Сен катта қиз бўлиб қолдинг. Яқинда йиғирма етигга кирсан. Акаларингга айтиб, 8-синфини битирганинг тўғрисида аттестат тўғрилтирдим. Ҳужжатларинг жойида. Акаларининг бири сени шаҳарга олиб бориб, ишга ё ўқишга жойлаб келса, ётоқхона олиб берса. Бу ерда қолсанг онанг барибир тинч қўймайди. Сен нотинч бўлсанг, Худойим менинг жонини олмайдим. Болаларимга атаб йиқкан буюм ярмисини сента атадим. Бирин кунингга яраб қолар. Илтмосим, қизимни кечир. Бизни қарғам.

Насибали рози-ризолик олиб шаҳарга кетгач, Ханифа момо жон берди. Холида ҳар қанча кистамосин, уқоиси онасига берган ваъдасида содиқ турди. Насибалининг адресини айтмади.

Холиданнинг қисматидаги оғир қунлар ортиб бороверди. Қизи тўшаққа михланди. Холида Насибалига сўяниб қолиб, уй юмушларидан ҳам чиқиб кетган экан, устига-устак ёши ҳам анчага бориб қолган эмасми, ҳеч нарсага ярамай инқиллаб-синқиллаб қолди. Қуда бўлмишлар қизини у уйда яшаса бахтсизлик унга ҳам қўчади, деб туриб олишди.

Зориф ноилоҳ ўлига бошқа уй-жой қуриб берди. Кафеда янгидан тўй қилиб, келиннини ўша уйга жойлаб кетишди.

Шундай қунларнинг бирида Зорифнинг қон босими ошиб кетиб, жон берди. Холида ўн йил кизи Гулсеварни парваршлади. Қиз шўрлик ўрнидан туролмай вофот этди. Холида энди беллари бучқайиб, сочларига оқ оралаб Холида кампир бўлди. Ўғлидан ҳар қанча илтмос қилмасин, ёнига олиб кетмоди.

- Қайнона билан келин можаросига тоқатим йўқ, - деди Содиқ.

Болаларининг биронтасини бериш ҳақидаги илтмосини ҳам кескин рад этди. Холида кампир ҳайхотдай ховлида ёлғиз қолди. Қаерга боришини, кимга дардини айтишини билмай йиғларди. Қўшинлари намоз ўқисангиз, гунохонгиз енгиллашоди дейиш-

? SAVOL
SIZDAN...
КИМГА МУРОЖААТ
ҚИЛАЙ?

Хўрматли тахрироти ҳодимлари! Сизларга бир шахсий масала юзасидан муурожаат қиламан. Отам урушда ҳалок бўлганлар. Онам 1950 йилда, катта бувим 1953 йилда вофот этдилар. Катта бувим ва тоғамнинг айтишича; мен 1939 йилда туғилган эканман. Бунга кўнгина маҳаллаболларим ҳам тасдиқламоқда. Лекин қандайдир сабабларга қўра, марҳум онам мени 1942 йилда туғилган, деб расмийлаштирган эканлар.

Ачинарли томонини шуки, менинг 1939 йил туғилганлигим ҳақида архивда ҳеч қандай ҳужжатлар сақланмаган. Ҳақиқий туғилган йилимни аниқлаштириш учун менда ҳужжатлар мавजूд.

Хўрматли тахририяти! Мен асли туғилган йилимни аниқлаштириш учун қаерга муурожаат қилишим керак?

Агар суда муурожаат қилсам, судга менинг 1939 йилда туғилганимни тасдиқлайдиган маҳалладаги қарилларнинг гувоҳлиги тан олинадими?

Суд ёилимни аниқлаш учун тиббий экспертиза ўтказолади?
Яна қандай ҳужжатлар талаб этилади?

С.ҲАМЗАЕВ,
Наманган вилояти,
Чуст шаҳри.

Фукаро С.Ҳамзаевнинг тахририятга йўллаган хати кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан онасини аниқлаш ишлари судга тааллуқли эмас.

Оила Кодексининг 228-моддасига асосан далолатнома ёзувларига ўзгартиришнинг ҳақидаги аризаларни қуриб чиқиш етарли асослар мавजूд бўлиб, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганди ушбу далолатнома ёзувлари сақланаётган жойдаги фукаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи (ЗАГС) томонидан амалга оширилди.

Шунинг учун С.Ҳамзаев туғилганлиги гувоҳнома қайд этилган ФХДЕ органи муурожаат қилиши лозим. ФХДЕ органи тақлифига қўра туман, шаҳар ҳокимиятлари қосидаги ёшини белгилаш комиссиялари томонидан медицина хулосасига ва унинг ёши ҳақидаги бошқа далилларга асосан ёшини аниқлаш амалга оширилди.

Комиссиянинг қарорини норози бўлган тақдирда ФПҚнинг 264-268-моддалари асосида С.Ҳамзаев судга шикоят қилишга ҳақли.

И.ҲАСИМОВ,
Республика прокуратурасининг
бўлим бошлиғи.



Суратда: Янгийўл туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Мирзаева А.Ортиқов жамоа ҳўжалигида қишлоқ ҳўжалиги техникаларини сақлашга оид қонунлар ижросининг бажарилишини текширмоқда.

Т.КАРИМОВ олган сурат.

Муҳаббат ТўРАБОВА.



SPORT

Футбол. Олий табақа

«САМАРҚАНД»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Республика миллий биринчилигининг III-тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Олий табақанинг янги аъзоси - «Самарқанд» жамоаси I-турда «Навбахорнинг курагини ерга тектизган эди. Кутилмаган ҳол деб ўйлодик буни. Кейин «Самарқанд» «Нефтчига» сабақ берди. Фарғоналик футболчилар мағлубиятдан аранг кутулиб қолишди.

Одатда кучли жамоалар олий табақанинг янги аъзолари билан майдонда менсимайроқ тўп сурдилар. III-турда «Самарқанд» яна бир кучли рақиб - мамлакат чемпиони «Пахтакорни ўз майдонига қабул қилди. Пахтакорчилар мезбонлар маҳоратини уналчи назарга илшмади шекилли, доғда қолдилар. Ҳисоб мезбонлар фойдасига - 2:1. Мана буни сенсация деса бўлади.

«Хоразми айтмайсизми?! Уттан биринчиликларда жадвалнинг куйи поғоналаридан жой олиб келган бу жамоа мавсумни кўтаринки рўҳда бошлаб, қатарасига уч марта галабога эришди ва биринчи ўринга кўтарилди. Бу ҳам мухлислар учун кутилмаган ҳол бўлди. Тўри, хоразмилик футболчилар хали энг кучли жамоалар билан куч синанганларича йўқ.

Хуллас, биринчиликнинг бошланиши чакки эмас. Чемпионликка доғварлар сафи кенгайганга ўхшайди. Кузага бориб, мавсум охирида голиблик шохсупасида «Самарқанд» ё «Хоразм» жамоаларини олқишласак нежаҳаб?! Зеро, футбол ўйини шуниси билан мароқли.

Эртлак-ҳажвия

Бор эканда, йўқ экан, жуда узоқ замонда, фарғми, шарқми томонда бир доно подшоҳ яшаб фойдасини кўзлайдиган хасис, олчақ кишилар ҳам йўқ эмас экан. Шулардан бири - Аълам исми дўқондор бўлиб, у харидорлар ҳақиқа хиёнат қилар, тарозидан ўрар, молларини қимматига сотар экан. Бундан бошқа дўқондорлар ҳам ўрнақ олиб, аста-секин нарх-навонони кўтаришибди. Нарх-наво кўтарила бораётганлигини кўрган фуқаролар Аъламнинг устидан подшоҳга арз қилишибди.

- Олампаноҳ, агар Аъламга тезроқ чора кўрмас экансиз, бозорларимизда қимматчилик бошланиб, мамлакат хароб бўлади, одамларнинг эса сиздан кўнгли қолади!...

Бу гапларни эшитган подшоҳ чўқур ўйга ботибди ва бир оздан сўнг:

- Бирор чорасини кўрурмиз! - дея арзчиларга руҳсат берибди.

Подшоҳнинг Иқболбек исми ақли ва тadbиркор вазири ҳам бўлиб, у доимо мамлакат иқболи ҳақида қайғурар, олампаноҳга маслаҳат бериб, уни барча ёмонликлардан асрар экан.

Подшоҳ вазири Иқболбекни чакириб арзчиларнинг арзини унга айтибди ва бу муаммони ечиш йўллари ҳақида маслаҳат беришини сўрабди. Вазири бироз ўйлаб турибди-да, подшоҳга юзланиб шундай дебди:

- Эй, доноларнинг доноси! Ўзингиздан қолар гап йўқ! Сиз шундай тadbир ўйлаб топингки, ўша тadbиркор Аълам ўзига ўзи

ЖАЗО

жазо берсин ва бу жаза бошқа дўқондорларга ҳам ибрат бўлиб, сизнинг обрўингиз бундан-да зиёда, донолингиз етти ўлкага дoston бўлсин!...

Подшоҳ кечаси билан ўйлаб-ўйлаб, тонга яқин бир қарорга келибди.

Эрталаб вазирига ўйлаган тadbирини айтибди. Вазири бу тadbирини маъқул кўриб, тазйим қилибди.

- Энди, - дебди подшоҳ вазирига, - сиз саройда «подшоҳнинг товлари қочибди, ҳеч ким безовта қилмасин», деб гап тарқатинг!

Подшоҳ амри - вожиб. Вазири қуллук қилиб эшикни ёпгач, подшоҳ хобхонасига кириб кетибди...

Кўёш қиёмга келгач, бозорда юзига парда тортилган мусофир пайдо бўлиб, бу мамлакат подшоҳнинг феъл-атвори, фуқароларнинг аҳоли, бозордаги нарх-наво билан қизиқормиш. Мусофир ҳамма дўқонлар қатори Аъламнинг ҳам дўқонига кирибди. Кўрсакки, дўқондаги нарх бошқалорниқидан қиммат экан.

- Мен шaҳрингизда меҳмонман, - дебди мусофир. - Юзимдаги жандага эътибор берманг, доимо юзимни бекитиб юрман, моҳовман, одамлар мендан жиркиншимасин дейман. Мамлакатингизга шу дардимга шифо излаб келдим. Менга айтишларича, мусофирликда юзта бева-бечорлага хайр-садақа улашсам, дардимдан фориғ бўлармишман.

- Мен сизга нима дейишни

ҳам билмайман, - дебди дўқондор Аълам жирканиб. - Мендан қанақа маслаҳат чикиши мумкин?

- Йўқ, - дебди мусофир. - Менга сизнинг маслаҳатингиз эмас, ёрдамингиз керак!

- Ҳўш-хўш, у қандай ёрдам экан? Бизга ҳам бирор фойдаси тегадими... Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, деган гап бор, меҳмон...

- Албатта, - дебди мусофир паст овозда. - Аслида мен садақани оқча билан эмас, мол билан улашишим керак. Бозордаги барча дўқонларга кириб чикдим, шуларнингичида сизнинг дўқонингиз менга ёқиб қолди. Энди бундай қилсак:

Дўқонингиздаги молларнинг баҳосини тўласан, сиз эса шу молларни бева-бечораларга текинга тарқатсангиз. Садақамизни Аллоҳ билса бўлади.

Аъламнинг кўзлари ўйнаб, ялтoқлана бошлабди.

- Шунингича айтмайсизми! Сиздай бир мўътабар кишининг ағирини енгил қилсам, ҳар ҳолда қилган хайр-эҳсоннинг савоби бизга ҳам тегаар, - дея молларнинг баҳосини икки хисса кўп айтибди.

Мусофир белбоғидан бир ҳамён чиқариб, дўқондор ойтган ақчини тўлабди ва ўзи бир чеккага бориб ўтирибди. Дўқондор Аълам эса, бугун омади келганидан, бир лопасангичи чув тушириб, катта фойда олганидан оғзи қулгоғида. Фуқоронинг текин молга чорларкан, оломон унинг дўқонига асалоридек ёпишибди. Бирпасда наватб бўлиб, Илҳом ЗОЙИР.

Бир чилдим кулгу

- Менга жуда ҳам таниш кўринаяпсиз. Сизни қаердадир кўрганман.

- Булиши мумкин. Мен у ерга тез-тез бориб тураман...

- Домла, наҳотки Сиз мени иккига раво кўрдингиз, ахир бу адолатсизлик-ку!

- Укажон, тушунинг, бизда бундан паст баҳо бўлмаса нима

қилайин...

- Фаросатсизлар! Жиноятчини қўлдан чиқариб ўтирибсизлар! - дейди инспектор Браун. - Ахир буюргандми-ку, кинодан чиқадиган жойларнинг ҳаммасига кўз-қулoқ бўлинглар, деб.

- Биз кўз-қулoқ бўлиб турувдик, афандим. Аммо у аблах кирадиган жойдан чиқиб, қочиб қолганга ўхшайди.

- Сэр, туринг, тезроқ туринг, уйғонсангиз-чи!


- Нима гап?.. Нима бўлди?

- Уйқу дори ичадиган вақтингиз бўлди.

-Биласанми, Том, Линкольн сендай вақтида жуда яхши ўқиркан. У синфдошлари орасида энг аълочиси экан.

-Ҳо, шундай, дада. Ахир сиздек вақтида у Қўшма Штатларнинг президенти бўлган.

Кроссворд



Энига: 1. Республикаимиздаги газеталардан бири. 4. Дунёдаги энг узун темир йўл тоннели. 8. Гийёҳванд модда. 9. Кавказдаги тоғ тизмаларидан бири. 10. Тропик мева. 13. Фирибгорларнинг ишонч қозониш усули. 14. Ит зоти. 17. Санкт-Петербургдаги музей. 18. Бино, ишоот. 19. Очофат, очқўз. 20. Сурхондарё вилоятидаги туман. 24. Суд иштирокчиларидан бири. 25. Аксарият ҳуқуқ-тартибот идораларида фойдаланилаётган автомобил русуми. 28. Миллий спорт тури. 29. Ов қуроли. 30. Теннис ўйингоҳи. 31. Исбот. 32. Иссиқ шомол.

Бўйига: 2. Чолачўл, текислик. 3. Куроллик хуруж. 4. Қадимги Юнонистондаги шаҳар-давлат. 5. Қимматбаҳо тош. 6. Туркиядаги шаҳар. 7. Базм, дабдалоли меҳмондорчилик. 11. Буюк ватандошимиз Ал-Фарғоний номига қўйилган ойдаги кратер. 12. Мазлум бир худуддаги жиноятчилик аҳоли атамоси. 15. Хитойдаги шаҳар. 16. Санъаткорларнинг умумий номи. 19. Тутқун, асир. 21. Новий вилоятидаги қодимий шаҳар. 22. Бюджетни шакллантирувчи манба. 23. Гўлуртни кашф қилган француз олими. 26. Бажариладиган маълум бир иш учун бериладиган пул. 27. Озарбайжондаги шаҳар.



Кулгалари осмон каби беғубор.

Газетамизнинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1. Қозоғистон. 3. Симпозиум. 7. Турсуной. 8. Торт. 9. Рейган. 11. Янтоқ. 12. Опера. 14. Аристократ. 18. Мантис. 19. Ақл. 22. Аризона. 23. Плуг. 24. Ният. 26. Самарқанд. 28. Оскар. 30. Асал. 31. Уста. 32. Граф. 34. Енг. 36. Банан. 37. Аскар. 38. Ломоносов. 41. Батамон. 44. Ақида. 47. Автосалтанат. 48. Домино. 49. Виза. 50. Остона. 51. Шамшод. 54. Имзо. 56. Сари. 57. Гандбол. 58. Ҳо. 60. Андалиб. 63. Айрон. 66. Буқаламун. 67. Олти. 68. Нотавон. 69. Ариза. 70. Азизим. **Бўйига:** 1. Қобуснома. 2. Натюрморт. 3. Сарой. 4. Мауна. 5. Зайтун. 6. Мустақиллик. 10. Германия. 11. Яқдиллик. 13. Заргарлик. 15. Ислоҳ. 16. Траур. 17. Разин. 20. Манзара. 21. Республика. 25. Толенама. 27. Аср. 29. Давр. 32. География. 33. Азоб. 35. Ганди. 39. Отчопар. 40. Ватансиз. 42. Оратор. 43. Гулбаданбегим. 45. Камаш. 46. Динамика. 48. Дара. 52. Енғоқ. 53. Абзалов. 54. Илҳом. 55. Олой. 56. Садо. 57. Гиббон. 59. Ванга. 61. Нутра. 62. Лазиз. 64. Поэзи. 65. Нота.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

ҲУҚУҚ
ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратура-лари, «Қонун ҳўмасида» журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яёв Ғуломова кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати: Ботир Пулатов, Дилшод Исмолов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Ориғжон Холматов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. Кўриб босилганда «Ҳуқуқдан олинган» қўрсатилши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети. Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа қонцерни босмаҳонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нухаси - 22014. Буюртма Г-0230. Бичим А-3.

Наватчи: Д.Халилов Сотувда эркин нарҳда.

1 2 3 4 5 6 Босишга топшириш вақти: 20.00 Босмаҳонага топширилди: 18.00